

ОЙБЕК ПЬЕСАЛАРИДА ТАРИХИЙЛИК

Аъзамжон Ҳамрақулов Шермухаммадович

Андижон давлат университети

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Ойбекнинг пьеса юзасидан олиб борган изланишлари, ижодий лабораториясини тадқиқ этиши асосида “Ғалвирчи” ва “Халқ қалқони” пьесаларида ўтмишининг бадиий талқинида жиддий ўзгаришлар режалаштирилганининг асослаб берилгани ва уларнинг тугатилмай қолиши сабаблари аниқланган.

Калит сўзлар: пьеса, тарихий факт, драматик дoston, бадиий воқелик, воқеа-ҳодиса, тарихий ҳақиқат, руҳият, тарихий шахс, либретто.

Аннотация: в статье выявляются причины, по которым были запланированы серьезные изменения в художественной интерпретации прошлого на основе исследования творчества Ойбека, исследований его творческой лаборатории в пьесах "Ғалвирчи" ва "Халқ қалқони", а также причины их прекращения.

Ключевые слова: пьеса, исторический факт, драматический эпос, художественная реальность, событие-эвент, историческая реальность, психика, историческая личность, либретто.

Annotation: the article identifies the reasons why serious changes in the artistic interpretation of the past were planned on the basis of Oybek's research on the work, research of his creative laboratory in the pesas "Ғалвирчи" ва "Халқ қалқони", and the reasons for their termination.

Keywords: pesa, historical fact, dramatic epic, artistic reality, event-event, historical reality, psyche, historical person, libretto.

“Ғалвирчи” ва “Халқ қалқони” пьесалари тарихий фактларга бой, уларда бадиий воқеликнинг тарихий ҳақиқатга мослиги кўпроқ. Албатта, ижтимоий буюртма талаби билан тез фурсатда драматик дoston яратган Ойбек кейин шу мавзуга жуда қизиқиб қолган, тарихий материални чуқурроқ ўргангани табиий. Лекин шунинг ўзи билан драматик дostonнинг худди шу жиҳатдан пьесаларга нисбатан ожизлигини изоҳлаш тўғри бўлмайди. Чунки кейинги асарларга

киритилган фактларнинг кўпи Ойбекка аввал ҳам, асосан, маълум эди. Драматик дostonда тарихий фактлар, воқеа-ҳодисаларнинг уруш даври руҳиятига мослангани ёки улардан мос келадиганларини танлаб тасвирланганиши натижасида актуаллик янада кучайди. Бадиий ҳақиқатнинг тарихий ҳақиқатга мувофиқ бўлиши асосий этибордан четроқда қолди. Бу, айниқса, тарихий шахслар мисолида, яъни қўзғолонда муҳим мавқе тутиб, исёнчилар орасида юксак обрў-этибор қозонган асосий иштирокчилар¹ — Торобийнинг укалари Муҳаммад ва Али ҳамда сеҳргар, фолбин опаси ўрнини дostonда давр руҳиятини ифода этувчи кўшчи Ёдгор, наққош Гадоё, чархчи Жамила, маҳаллий бой Тўсинбойларнинг эгаллашида яққол кўзга ташланади. Диссертацияда Ойбекнинг ўтмишни бадиий талқин қилишда синфий ёндашувдан, мафкура исканжасидан аста-секин қутулиб бориши, тарихни ҳаққоний акс эттиришга интилиши кўрсатиб берилди.

Асар либретто сифатида қайта ишланиб сахналантирилганда ҳам айтарли муваффақият топмади. Бунинг сабабини С.М.Михоэльс асарга халқ руҳиятини ифода этувчи фольклор анъаналари тўла сингдирилмаганлиги билан изоҳласа, санъатшунос Т.Исломов адибнинг драматургия кадриятлари ва қонуниятларини ҳисобга олмагани уни ижодий мағлубиятга олиб келди деб кўрсатади. Адабиётшунос Н.Каримов бу масалада “опера жанрининг имкониятлари ёзувчига ўз ғоявий ниятларини тўла мужассамлантириш имкониятини бермаган бўлса керак”(XX, 453) деган хулосага келади. Олимларнинг ушбу фикрларини инкор қилмаган ҳолда, диссертацияда бунинг асосий омили сифатида асарда актуал мазмун, публицистик руҳнинг янада кучайиб кетгани кўрсатилди. Бу, аввало, жанр билан боғлиқ. Либретто ғарб адабиётига хос бўлиб, миллий адабиётимиз заминидан айтарли даражада тараққий этмаган. Ойбекка қадар ҳам бу жанрда қалам тебратиб, жиддий ютуққа эришган ижодкорни кўрсатиш қийин. Либретто жанрида миллий кадрият ва анъаналаримизни ифодалаш, адабиётимизга хос традицияларни давом эттириш осон эмас. Жанрнинг специфик хусусиятлари, адабиётимиз учун янгиллиги ижодкордан жуда юксак драматургик тажриба ва маҳоратни талаб қилади. Драматургия бобида ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ижод тарзи эпикликка мослашиб улгурган Ойбек либреттони яратишда композитор Олесь Чишко ва режиссёр Михоэльснинг маслаҳатларига таянди. Буларнинг бари либретто мазмунининг актуал қатламини янада кучайтирди, ундаги ижтимоий буюртмага мувофиқ ғоявий йўналишнинг драматик дostonдагидан кўра ҳам устиворроқ бўлишини таъминлади.

¹ Қаранг: Ёшлик.-1989.-№ 1-2.-Б. 66

Либретто билан драматик дostonнинг бошланиш сахналари деярли бир хил. Иккаласида ҳам сувга чиққан қизларнинг шодлиги, уларнинг ошиқлари ҳақидаги орзулари тасвирланади. Фақат либреттода қизларнинг шод-хуррам эканлигига ортикча урғу берилади. Шунингдек, дostonдаги қизлар кўшиғи, опера вокали талабларини назарда тутган ҳолда, Жамила ва қизларнинг хориға куйидагича алмаштирилади:

Жамила- Яшарибди бутун жаҳон,
 Қизлар - лйя-ля!
 Жамила- Нурга тўлмиш ер осмон.
 Қизлар- лйя-ля!
 Қувонтирар кўзларни гул,
 Ариқларда сув хандон,

Жамиланинг ошиғи Ёдгорнинг кўшиқлари ҳам шунга монанд равишда ария билан алмаштирилган. Ошиқнинг сахнага кириб келиши куйидагича:

Ёдгор- Ҳей! Ҳей-да-да-да! Ҳей.

Жоним менинг сенда ҳар вақт хаёлим, Жамилажон! (IV,245)

Қизлар хори ва Ёдгорнинг ариясида ички ҳис-туйғу, кечинмалар кўринмайди (балки бу вокал ҳисобига қисман тўлдирилар, лекин шунда ҳам), сахнада тўлақонли характерлар эмас, ҳаёт завқидан сархуш ёшлар, севги суруридан маст ошиқ-маъшукларни билдирувчи типлар ҳаракатланаётгандек тасаввур ҳосил бўлади. Драматик дostonнинг бошида ҳам тинч-осойишта қишлоқ ҳаёти, ёшларнинг бахтиёрлигига урғу берилган эди. Либреттода бу нарса янада кучайтирилади ва шу фонда босқинчиларнинг кириб келиши кўзланган самарани беради — босқинчиларга нафратни ёрқин ифодалайди. Асосий мақсад шу бўлгани учун драматик дostonдаги севишган ёшларнинг пинҳона учрашувлари, сирли суҳбатлари либреттода тушириб қолдирилади, бу эса улардаги шусиз ҳам танқис индивидуал чизгиларни йўққа чиқаради. Бош қаҳрамон Торобийнинг сахнага чиқиб келиши ҳам шу хурсандчиликка мос ўзгартирилади: унинг ариясида ҳаётни севиб, дилларни яшнатиб яшашга, ишк боғида сайр этишга ундалади. Дostonдаги Торобийнинг мўғул босқини келтирган кулфатлар ҳақидаги гаплари тушириб қолдирилади. Мазкур ўзгаришлар адибнинг (ва маслаҳатчиларининг) асардаги оптимистик руҳни кучайтириш ҳамда унинг ижтимоий буюртма руҳига тўла мос бўлишини таъминлашга интилишлари натижасидир. Шу интилиш ва жанр спецификаси билан боғлиқ ҳолда дostonдаги қатор образлар йўқолиб, халқ тимсолида умумлаштириб юборилади. Бу ҳам тарихни ҳаракатлантирувчи асосий куч омма деб билган шўро мафкурасига мосдир.

Ишда Торобий кўзғолони бадий талқинида Ойбек лирик-публицистик муносабатдан эпик кўламдорликка, тарихдаги воқеани муносабат ифодалаш воситаси билишдан уни теран бадий идрок этиш, тарихий фактлар ичидан куннинг эҳтиёжи билан боғлиқ мақсадига мосларини танлашдан уларни кенг истифода этиб ўтмишни тарихан ҳаққоний акс эттириш, танланган материал асосида ҳаёт, олам ва одам ҳақидаги бадий концепцияни шакллантириш ва ифодалаш томон ўсиб боргани очиб берилди.

Адабиётлар:

1. Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.-М.,1963.- С.545-548;
2. Якубовский А. Восстание Тараби в 1238 г. (К истории крестьянских и ремесленных движений в Средней Азии) // Доклады группы востоковедов на сессии АН СССР 20 марта 1935 г.– М.–Л., 1936.– С. 121-125.
3. Воҳидов Р. Қасоскорнинг номи барҳаёт.– Бухоро, 1988;
4. Тошев Н. Алоуддин Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушо» асари Марказий Осиёнинг XII-XIII асрлар тарихига оид муҳим манба: Тарих фан. ном.. . дис. –Тошкент: 2004- Б.110-116
5. Осим М. Танланган асарлар.- Т.: Ёш гвардия, 1965.- Б.176
6. Бойматов Л. Маҳмуд Торобий кўзғолони // Ёшлик .-1989.- №1.- Б. 60